## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# МАНФААТДОРЛИК ОРТАДИ

Бугунги кунда жамиятимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкка эгалик қилиш, ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлиш каби тамойиллар асосий ўрин тутмоқда. Мулкчиликнинг хусусий шакли бўлган фермерчиликни ривожлантириш ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса табиийки, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш билан бирга, улар зиммасига қатор мажбуриятлар ҳам юклайди.

Мазкур қонун лойиҳаси аввалгисига нисбатан анча пухта ва аниқ ёзилган. Ана шу соҳада бир неча йилдан буён ишлаб келаётган мутахассис сифатида таклифларимни ҳам билдирмоқчиман.

Лойиҳанинг 5-модда, 3-бандида: «Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам миқдори пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади», дейилган. Бугунги кунда республикамизда пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермерларнинг 47 фоизининг ер майдони 10 гектардан кам. Лекин улар яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар ва муайян тажрибага ҳам эгалар.

Мен ушбу жумлага қуйидаги тартибда қўшимча киритишни таклиф қиламан: **«Яхши кўрсаткичларга эришаётган, лекин ер майдони 10 гектардан кам бўлган фермер хўжаликларига тегишли ерларни йил якуни кўрсаткичларига қараб фаолияти тўхтатилган фермерлар ер майдонлари ҳисобидан кенгайтириш кўзда тутилсин.»**

Лойиҳанинг 6-модда, 2-бандида: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади ва йиғилиш бу хусусда тегишли қарор қабул қилади», дейилган. Лекин аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжалиги ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилгандан кейин арзимаган сабабларга кўра туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказиш чўзилиб кетмоқда. Шунинг учун ушбу бандга: **«Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг умумий йиғилиш қарори қабул қилингандан кейин 15 кун ичида амалга оширилиши керак»,** деб қўшимча киритиш зарур.

Лойиҳанинг 10-модда, 5-бандида: «Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин», дейилган. Масалан, давлат манфаатлари туфайли фермер хўжаликларининг ери олиб қўйилди, дейлик. Лекин айрим ҳолларда фермерлардан олинган яхши ер ўрнига сифатсиз ва мелиоратив ҳолати ёмон ерлар берилмоқда. Шунинг учун бу бандни: **«Давлат манфаатидаги объектлар қурилиши ва ҳоказолар учун фермер хўжалиги ер участкаси фермернинг розилиги билан ўзгартирилса, унга бериладиган ер миқдори ва сифати жиҳатидан олдинги ерга тўғри келиши керак»,** шаклида ўзгартириш даркор.

**Қаҳрамон МАМАДИЁРОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деҳқон ( фермер) хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси.**

# «БОБ»ЛАР ИХЧАМЛАШТИРИЛСА

Мен, асосан Ер кодекси лойиҳасидаги «боб»лар, уларнинг номланиши хусусидаги фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи эдим. Муддаога ўтайлик.

Лойиҳадаги 2-ва 3-боблар бир-бирига ҳам мазмун, ҳам мундарижа жиҳатидан яқин бўлганлиги учун улар битта «боб»га мослаштирилиб, яъни: «2-боб. Ўзбекистон Республикаси ер бойлиги фондидан оқилона фойдаланишни бошқариш тартиблари» деб аталса мақсадга мувофиқ бўларди.

4- ва 5-боблар ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Уларни ўзаро жамлаб: «3-боб. Ердан фойдаланувчилар, мулкчилик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари», дейилса тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Лойиҳадаги 6,7,8,9,10-боблар муайян изчиликка солинса ва **«4-боб. Ўзбекистон Республикаси ер бойликларидан оқилона фойдаланиш тартиб-қоидалари».**

**4.1. Қишлоқ хўжалиги ихтиёрига ажратилган ерлар**

**4.2. Шаҳарлар, туманлар маркази, посёлкалар ихтиёрига ажратилган ерлар**

**4.3. Ўрмончилик ва заҳира фонди ерлари»,** деб аталса лойиҳа янада ихчамлашган бўларди.

Лойиҳадаги 8-бобни эса **«5-боб. Мудофаа, алоқа,саноат, транспортлар ихтиёридаги ерлар»** деб аталишини истардим.

11-12-боблар ҳам бир-бирига ўхшаш бўлганлиги учун битта, яъни **«6-боб. Ер бойликларидан унумли фойдаланиш устидан назорат қилиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиблари»,** деб аталгани маъқул, деб ўйлайман.

Лойиҳага бундан ташқари **«8-боб. Республикамиз суғориш майдонларининг ҳосилдорлик қобилиятини, мелиоратив ҳолатини тиклаш ва сув билан таъминлаш кафолатлари»** шаклида янги боб киритилса, у янада такомиллашган бўларди.

Лойиҳада 14-бобга бироз ўзгартириш киритилиб: «9-боб. Ердан фойдаланувчилар низоларини ҳал этиш ва Ер кодексини бузувчиларни жавобгарликка тортиш тартиблари» деб аталса, нур устига аъло нур бўларди.

Шу ўринда лойиҳанинг айрим моддалари хусусида ҳам таклифларимни билдирмоқчи эдим. Лойиҳада «ресурс», «муносабат» сўзлари кўп ишлатилган. «Ресурс» бойлик, «муносабат» фойдаланиш, деган сўзлар билан алмаштирилса айни мудао бўларди. Масалан, ер муносабатларини тартибга солиш (7-модда) ўрнига **Ердан фойдаланишни тартибга солиш** деб ёзилса, янада тушунарлироқ бўларди. 71-моддада: «Табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлар», дейилган. Мўлжалланган сўзини «ажратилган», деб ўзгартириш керак, деб ҳисоблайман.

Лойиҳада яна «рекреация» сўзи ҳам кўп ишлатилган. «Рекреация»га табиийки, оддий деҳқон тугул, зиёлинамо киши ҳам тушунмаса керак. Шу сабабдан рекреация эмас, «Инсон саломатлигини тиклаш қурилмалари учун ажратилган ерлар» дейилса, тушунарлироқ бўларди.

**Қаюм ОДИЛОВ,**
**техника фанлари номзоди.**

## МУНОСАБАТ

# СИЁСИЙ САВДО ВА БЕРИЛМАГАН ФАТВО

## ЁКИ РОССИЯДАГИ ҲОЗИРГИ АҲВОЛ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, шу йилнинг 23 мартида Россия Президенти Борис Ельцин Виктор Черномирдин бошлиқ мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқариб, Бош вазирлик вазифасини вақтинчалик бажариб туришни энергетика ва ёқилғи вазири Сергей Кириенко зиммасига юклаган эди. Айни чоқда Ельцин унинг номзодини Давлат думасига Бош вазир этиб тасдиқлаш учун таклиф қилди. Гап шундаки, Россия Конституциясига кўра, мамлакат раҳбари Бош вазирликка тавсия этган номзод Давлат думасида тасдиқдан ўтиши лозим. Номзоднинг шу масъулиятли лавозимга лойиқ ёки нолойиқлиги масаласини қуйи палата вакиллари Президент тавсия этган кундан кейин бир ҳафта муддат ичида кўриб чиқишлари керак бўлади. Ўтган ҳафта жума куни депутатлар айнан шу масалага алоҳида тўхталдилар. Илгари башорат қилинганидек, биринчи уринишдаёқ С. Кириенкони мамлакат Бош вазири этиб тасдиқлашга эришиб бўлмади. Чунки бу номзодга аввалбошданоқ Думадаги сўл кучлар ва Явлинский тарафдорлари қарши чиққан эди.

Коммунистлар жума кунги муҳокама олдидан партия пленумини ўтказиб, С. Кириенкони қўлламасликка аҳд қилдилар. Партия раҳбари Г. Зюганов «Биз нафақат қўлламаймиз, балки овоз беришда ҳам иштирок этмаймиз. Бизнинг фракциямиз аъзолари ҳатто сайлов бюллетенларини қўлга ҳам олмайдилар» деб фикр билдиргани билан эртасига парламент мажлисида бюллетень орқали овоз беришни маъқул кўрдилар. Даставвал очиқ овоз бериш таклиф этилганди. Бироқ овоз бериш ёпиқ тарзда ўтказилди. Номзод ғалаба қозониши учун 226та овоз тўплаши керак эди. Депутатларнинг 143 нафари Сергей Кириенко номзодини ёқлаб чиқди. 186 нафар киши унга қарши овоз берди, 5 депутат бетараф қолди. «Россия — бизнинг уйимиз» жамоатчилик ҳаракати, «Россия минтақалари» блоки, мустақил депутатлардан ташқари, кузатувчиларнинг фикрига қараганда, гарчи овоз бериш арафасида «биз қаршимиз» дейишига қарамасдан Жириновскийнинг РЛДПси вакиллари Кириенко номзодини қўллаб чиқишган. Коммунистлар ва аграр партия вакилларининг бир қисми ҳам ўз етакчилари фикри билан ҳисоблашмасдан Ельцин таклиф этган номзодни маъқул билишган.

Биринчи овоз бериш тугаганидан ярим соат ўтар-ўтмас мамлакат Президенти С. Кириенко номзодини иккинчи марта Думага тасдиқ этиш учун таклиф этди. Душанба куни С. Кириенко билан учрашган Б. Ельцин Бош вазирликка бошқа таклиф этадиган номзоди бўлмаслигини қатъий таъкидлади. Президент Давлат думаси раиси Г. Селезнев билан учрашганда ҳам ўз сўзида туришини яна бир бор уқтирди. Очиғини айтганда, Дума раиси давлат бошлиғи билан учрашишдан олдин Бош вазирликка барибир муқобил номзодлар бўлиши лозимлиги ҳақида гапирганди. Бироқ Президент билан мулоқотдан кейин жаноб Селезневнинг фикри бутунлай ўзгариб қолди. Афтидан, Борис Ельцин бу суҳбатда агар Дума уч марта С. Кириенко номзодини рад этса, Конституцияда ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, Думани тарқатиб юбориши мумкинлигини парламент раисига уқтирган кўринади. Бўлмаса Г. Селезнев «Мен учун Давлат думасини сақлаб қолиш ва унинг Конституцияда белгиланган муддат давомида барқарор ишлашини таъминлаш юз маротаба муҳимдир. Шу боис Дума Кириенко номзодини тасдиқлагани маъқул», деб айтмаган бўларди.

Дарвоқе, Борис Ельцин навбатдаги иккинчи овоз бериш олдидан депутатларни ноқулай «аҳвол»га солиб қўйди: Президент ўз маъмурияти ишлар бошқарувчиси Павел Бородинга депутатларнинг «барча муаммолари»ни ҳал қилишга кўрсатма берганини айтди. Ишлар бошқарувчиси бу кўрсатмани бажаришда жумагача «шошмай» туриши лозим экан. Хўш, Ельцин бу ерда нимага ишора қилмоқда? Ишлар бошқарувчиси қандай масалаларни ҳал қилишдан ўзини «жумагача тийиб туриши» лозим? Селезневнинг тахмин қилишича, бу ерда янги парламент марказини қуриш ҳақида гап кетаётган бўлиши мумкин. «Ҳа, бизга шундай марказ керак, лекин у Кириенкони тасдиқлаш эвазига бўлмаслиги лозим. Бу ўринда савдолашиш кетмайди», дейди у.

Агар савдо чиндан ҳам парламент биноси қуриш ҳақида кетаётган бўлса, депутатларни кўндириш қийин. Яна бир тахминга кўра, эҳтимол Президент иш бошқарувчи билан Думани тарқатиб юбориш масаласида суҳбатлашгандир. Депутатлар мақоми тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Давлат думаси ваколат муддатидан илгари тарқатилиб юбориладиган бўлса, ноибларнинг то янги парламент сайлови ўтказилгунга қадар тегишли маошни мунтазам олиш, амалдаги барча имтиёзлардан фойдаланиб туриш (бу хизмат автомобили, текин телефон ва медицина хизмати, сафарга чиқиш ва бошқа қулайликлар) ҳуқуқлари сақланиб қолади. Ҳисоблаб кўрсангиз, ҳозирги Думанинг ваколати 1999 йил декабрь ойида тугайди. Бу дегани — 450 нафарлик депутатлар корпусига бир йил ичида, Дума тарқатилиб юборилишидан қаътий назар, 350-400 миллион доллар атрофида сарфлашга тўғри келади. Энди бу ерда шу нарсани ҳам унутмаслик кераккки, эски Дума тарқатилса, янгисини сайлаш керак бўлади. Уларга ҳам йилига 350 миллион доллар сарфлаш зарур. Қисқаси, давлат бир ярим йил мобайнида амалда «тарқатилган» ва «янгидан сайланган» иккита Думани «боқиш»га мажбур бўлади. Ўзи шусиз ҳам ночор аҳволга тушиб қолган Россия иқтисодиёти буни кўтара олармикин?

Ва, ниҳоят, иш бошқарувчига берилган кўрсатма ҳақида учинчи тахмин ҳам борки, кузатувчилар фикрига кўра, бу ҳақиқатга нисбатан яқинроқдир. Яъни, Президент ишлар бошқарувчисига депутатларнинг квартира ва бошқа маиший шароитлари бўйича мавжуд масалаларни ҳал қилишни топширган бўлиши мумкин. Биз Ельцин депутатларни «ноқулай аҳвол»га солиб қўйди, деганимизда агар иккинчи овоз бериш жараёнида депутатлар С. Кириенко номзодини қўллашса, сайловчиларда ноиблар ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб шундай қилишган, деган хулосага боришлари мумкинлигини назарда тутган эдик.

Бош вазирликка номзодни тасдиқлаш жараёнида раҳбарият ҳам, Дума фракциялари етакчилари ҳам «савдолашиш» ўринсизлигини гапиришаётган бўлишсада, аслини олганда, ички сиёсий кураш айни шу масалага бориб тақалмоқда. Мисол учун, «Яблоко» ҳаракати раҳбари Г. Явлинский, чамаси, Бош вазирликка ўзидан бошқа номзодни ҳозирча тасаввур қилолмаяпти. Жаноб Жириновский ҳам янги ҳукумат таркибида бир-иккита вазирлик, жуда бўлмаганда, вазирлар ўринбосарлари портфелини ўз яқинларига олиб беришга иштиёқманд. «Россия-бизнинг уйимиз» блокининг Думадаги етакчиси А. Шохин бўлса, очиқчасига айтмаса-да, ўзгарган ҳукумат таркибига киришни истайди. Коммунистлар эса ўзлари иштирокида «халқ ишонган ҳукумат» тузиш «қайғу»сида юришибди.

Бинобарин, Россиядаги ҳокимият танглиги уч ҳафтадан бери давом этмоқда. «Независимая газета»сининг таъкидлашича, «мамлакат иқтисодиёти ва молияси барқарор Вазирлар Маҳкамаси ҳанузгача таркиб топмаганлиги боис фалажлик ҳолатига тушиб қолган. Президент ва Дума ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли мамлакат қарийб уч миллиард долларлик солиқ зарари кўраяпти. Чунки Черномирдин истеъфосидан кейин солиқ йиғиш сиёсати инқирозга учраган, амалда ҳеч ким бу иш билан шуғулланмай қўйган. Йирик компания ва корхоналар Бош вазир ва ҳукумати ноаниқ бўлган давлатга солиқ тўлашга унчалик шошилмаяптилар». Иқтисодчилар хулосаларига кўра, чўзилиб кетган ҳокимиятсизлик бюджет сарф-харажатларининг қайта кўрилиши, парламент танглиги ва мамлакатда ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Шундай бир вазиятда кеча Давлат думаси депутатлари Сергей Кириенко номзодини Бош вазирлик лавозимига тасдиқлаш масаласини иккинчи марта кўриб чиқдилар. Овоз бериш очиқ тарзда ўтказилди. 115 нафар депутат уни қўллаб овоз берди. 271 киши қарши чиқди. 11 депутат бетараф қолди. Хуллас, бу галги уринишда ҳам Дума С. Кириенко номзодига «фатво» бермади. Сўнгги маълумотларга кўра, мамлакат раҳбари ўз сўзида қатъий туриб, учинчи маротаба Сергей Кириенко номзодини тасдиқлаш учун Думага тавсия этган. Эндиликда депутатлар буни яна рад этсалар, Б. Ельцин мамлакат Конституциясида ўзига берилган ваколатдан фойдаланиб, Давлат думасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгадир. Россия Президентининг Конституцион суддаги вакили С. Шахрайнинг фикрига қараганда, «Чамаси, Россияча вариант юз беради, яъни С. Кириенко Бош вазирлик лавозимига тасдиқланади, пировардида Дума тарқатилмасдан қолади». Бу тахминнинг тўғри-нотўғрилигини эса фақат 24 апрелда ўтказиладиган навбатдаги овоз беришдан кейингина билиш мумкин. Хуллас, ана шунақа гаплар.

**Аслиддин БОЛИЕВ.**

## ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

# ФАРЗАНДИНГИЗ УЧУН ДАРСЛИК СОТИБ ОЛДИНГИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилади.

Айни пайтда 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари дарсликлар билан тўлалигича бепул таъминланади.

— Ҳозиргача вазирлигимизда ҳукуматнинг мазкур қарорини бажариш бўйича муайян ишлар қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов. — Чунончи, дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди. Уларни қатъий буюртма ва шартномалар асосида яратиш, амалда қўлланилаётганларини экспертизадан ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада асосий эътибор дарсликларнинг ўқувчи ёши ва хусусиятларига мослиги, санитария-гигиена, эстетика ва матбаа талабларига жавоб беришини таъминлашга қаратилди.

1998-99 ўқув йили учун дарсликларни сотишни ташкил этиш бўйича вазирликда махсус ишчи гуруҳ тузилди. У савдо тармоғига, жумладан, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги китоб дўконларига дарслик ва ўқув қўлланмаларини етказиб бериш масаласи билан шуғулланмоқда. Шу билан бирга, ишчи гуруҳ томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ҳам китоблар билан таъминлаш борасида талай ишлар қилинмоқда.

— Бу масалада ҳомийлар, корхоналар, турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари ва фуқаролар ёрдамига умид боғлаяпмиз, — дея сўзида давом этади М. Султонов. — Шу мақсадда ЖСБ Меҳнат бўлимида 202040000101044001 ҳисоб рақами очилди (Банк коди 00423). Вазирлигимизнинг "Таълим-таъминот" бош бошқармаси бу ҳисоб рақамига биринчилардан бўлиб 1 миллион сўм пул ўтказди. "Ариана плюс" фирмаси ҳам бу ташаббусга қўшилиб, шунча миқдорда маблағ ҳадя қилди. Фурсатдан фойдаланиб, барча саховатпарвар кишиларни бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишга чақираман.

Шубҳасиз, таълим тизимидаги бундай янгилик, авваламбор бозор иқтисоди талаблари остида юзага келди. Иккинчидан, дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли ўқувчининг китобга бўлган муносабатини ўзгартиришга, ота-оналарнинг талабчанлигини оширишга, қолаверса, дарсликларнинг матбаа сифатини янада яхшилашга қаратилгандир. Сир эмаски, ўқувчилар орасида дарсликка эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди. Эндиликда ҳаммамиз китобнинг нафақат маънавий, балки моддий бойлик эканига ҳам амин бўляпмиз.

Хуллас, муҳтарам ота-оналар, фарзандларингиз учун дарслик сотиб олишга кечикманг.

**Б. УСМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



*Ишчи ўз касбини севса, илҳом билан, астойдил ишлайди. Натижада иш унуми юқори, тайёрланган маҳсулот эса сифатли бўлади.*

*Риштон туманидаги очиқ турдаги ип йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти йигирувчиси Назирахон Валиева ҳам мана бир неча йилдирки, ўз касбини ардоқлаб келаётир. Қувонарлиси, корхонада бундай ишчилар кўп. Шу боис меҳнат аҳли қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда.*

***Суратда: ип йигирувчи Назирахон Валиева.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ**
**олган сурат.**

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# «РИВОЖ» РИВОЖ ТОПМОҚДА

**Шаҳрихонда «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилганига атиги икки йил бўлди. Дастлаб битта дўкону тўрт мутахассис билан иш бошлаган бу фирма бугун салкам 250 кишилик жамоага айланди. Бир кеча-кундузда 35-40 тонна пайвандлаш электроди ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Ривож-Тянь-Жин» ўзбек-хитой қўшма корхонасига асос солинди.**

Колбаса цехи, нон пишириш мини-заводи, қандолатчилик цехлари, ўнлаб савдо, маиший хизмат шохобчаларида эндиликда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Миллионер жамоага айланган қишлоқ мулкдорлари эса «Ташаббус-97» вилоят кўрик-танловининг мутлақ ғолиби деб топилди.

Қобилият, талант ва маҳорат, имкониятни ишга солиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, қатор имтиёзлар берилган бугунги кунда ишбилармон ва тадбиркорлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда намойиш этмоқдалар. Тийинлардан сўмлар, сўмлардан миллионлар ҳосил қила билган мулкдорлар ҳалол меҳнат эвазига топилган ўша бойликни йирик корхоналар очиш, янги иш ўринларини барпо этишга йўналтирмоқда. Айни пайтда хориж талабларига тўла жавоб бера оладиган, валюта тушумини кўпайтириш имконини яратадиган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам киришилмоқда. Уларнинг истиқболли ғоя-лойиҳалари билан танишар экансиз, қалбингизда ҳузурбахш иликлик пайдо бўлади. Комилжон Отахонов раҳбарлик қилаётган «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ана шундайлардан биридир.

Маълумки, қулочни кенг ёйиш, қадамни катта ташлаш учун замонавий, кўркам бинолар қуриш, хизмат кўрсатиш шоҳобчалари тармоғини кенгайтириш зарур. Ўтган йилни аҳолига 24,6 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатиш билан якунлаган фирма раҳбарияти бу оддий ҳақиқатни яхши тушунгани учун ҳам махсус қурилиш бригадаси ташкил этди. Унга халқ меъморчилиги анъаналаридан яхши хабардор бўлган нозик дидли, иқтидорли усталар, маҳоратли қурувчилар жалб этилди. Миллий услубда бунёд этилиб, бетакрор безаклар берилган фирма тасарруфидаги ўнлаб бинолар ана шу усталар қўлидан сайқал топди.

«Ривож»чилар электрод ишлаб чиқарадиган йирик корхона очиш ташаббуси билан чиқар эканлар, уни барпо этиш, мураккаб лойиҳага асосланган цехлар, омборхоналар, бир неча қўшимча бинолар қуриш учун катта маблағ эвазига четдан қурувчи-мутахассислар изламади. Аксинча, бу нозик ва ўта муҳим юмушни маҳаллий усталарга ишониб топширишди. Корхона ярим йилда қуриб битказилди.

Бугун республикамизнинг ҳар бир шаҳрини, ҳатто олис қишлоқларини ҳам улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Тобора кенг кўлам касб этаётган қурилиш-монтаж ишлари учун эса электрод сув билан ҳаводек зарур. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электрод эса республика эҳтиёжини тўлиқ қондира олмайди. Шу боис «Ривож»чилар тақчил ва қимматбаҳо бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга астойдил киришдилар.

Янги корхонани очиш учун улар ўзларига янги ҳамкор излашди ва топишди ҳам. Хитой Халқ Республикаси Тянь-Жин шаҳрининг «Хуа-чинг Шион Сос Чонг» компанияси билан шартнома тузилди. Хитойдан бир гуруҳ мутахассислар Шаҳрихонга келиб, корхона қурилиши ва маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишди. Натижада «Ривож – Тянь - Жин» қўшма корхонаси барпо этилди. У, юқорида айтилганидек, бир кеча-кундузда 35 тоннадан 40 тоннагача электрод ишлаб чиқариш қувватига эга. Агар корхона ҳар ойда 720-800 тонна, йил давомида эса 8-9 минг тонна атрофида элекрод ишлаб чиқарса, бу камида 7,5—8 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланади деганидир.

Фирманинг тобора ривож топишида хорижлик ҳамкорлар билан ўрнатилган мустаҳкам алоқа муҳим аҳамият касб этаётир. «Ривож»чилар Россия, Украина, Болтиқбўйи республикалари, Қозоғистон, Хитой, Канада, Буюк Британия, Жанубий Корея, Покистон сингари мамлакатлардаги фирмалар, корпорациялар, компаниялар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

– Ҳар бир ишловчини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди бош ҳисобчи Камолиддин Абдураҳмонов. – Ходимларимизнинг ойлик иш ҳақи ўртача 5200 сўмданни ташкил этаётир. Бундан ташқари, тушлик учун ойига икки минг сўмдан қўшимча пул берилаяпти. Ошхона, сауналли ҳаммом, баскетбол ва волейбол майдончалари, дам олиш хоналари ҳам улар ихтиёрида.

Мурувват дилни поклайди. Савобга йўғрилган эҳсон эса ривожу юксалишга йўл очади. Юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олган фирма кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлардан ўз мурувватини аямаётир. Ўнлаб оилаларга ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. «Ривож»чилар шаҳарнинг марказий кўчаларини ободонлаштиришга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Улар эндиликда «Шаҳрихон» футбол командасига катта ёрдам кўрсатишмоқчи.

Фирма ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Андижон механика заводи тасарруфидаги оромгоҳни сотиб олди ва ана шу гўшанинг Буюк ипак йўли – Тошкент—Ўш автотрассасига туташган қисмида уч қаватли замонавий хизмат кўрсатиш мажмуи қуришни режалаштирмоқда. Бинонинг биринчи қавати чойхона-ошхона, иккинчи қавати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган супермаркет, учинчи қавати эса меҳмонхона бўлади. Кемпинг ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи қуйиш шоҳобчалари ишга туширилади. Замонавий мебель тайёрлайдиган, чой қадоқлаш цехларини ҳам очиш кўзда тутилган. Шуниси эътиборлики, раҳбарият бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисмини четга экспорт қилиш ва уни корхонанинг яқин хорижий давлатларда очилган дўконларида сотиб, валюта маблағи тушириш ҳақида ҳам қайғурмоқда. Бу кунлар эса узоқ эмас.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

**БИЗ МИЖОЗЛАРИМИЗНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИ ИШОНЧЛИ, СИФАТЛИ ВА ТЕЗ БАЖАРИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ**




F.Fулом кўчаси, 1-уй. Тел. 144 82 20, 144 82 05.

**БАНКИМИЗНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ВА КЕНГ ДОИРАДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ**

### МИЛЛИЙ БАНК ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ТАЙЁР:

- барча турдаги ҳисоб-китоб операциялари;
- миллий ва хорижий валюталарда қарз бериш;
- конверсия операциялари;
- шахсий сейф қутиларини ижарага бериш;
- қимматли қоғозлар билан ишлаш;
- траст операциялари;
- пластик карточкалар орқали фойдаланиладиган ҳисобварақлар очиш (Миллий банкнинг VISA, сўм карточкалари);

### МИЖОЗЛАРИМИЗ БИЗ КЎРСАТАДИГАН БЕПУЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН:

- миллий ва хорижий валютада омонатлар очиш;
- "талаб қилиб олингунча" депозит ҳисобварақлари очиш;
- маслаҳатлар бериш;
- инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини тузиш ва таҳлил қилиш.

**Мижозларга қулай бўлиши учун банкимизда операция куни 16.30 гача узайтирилган.**

ШАЙХОНТОҲУР ФИЛИАЛИ



"Эски жўва" бозори майдони. Тел.: 49-46-86.

МИРОБОД ФИЛИАЛИ



Банокатий кўчаси, 165-уй. Тел.: 93-08-35.

АКМАЛ ИКРОМОВ ФИЛИАЛИ



Фарҳод кўчаси, 54-уй. Тел.: 74-08-93.

МИРЗО УЛУҒБЕК ФИЛИАЛИ



Пушкин кўчаси, 66-уй. Тел.: 68-02-42.

ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ



Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28-уй. Тел.: 76-36-91.

ХАМЗА ФИЛИАЛИ



Элбек кўчаси, 28-уй. Тел.: 96-48-23.

СИРҒАЛИ ФИЛИАЛИ



Сирғали-6. Тел.: 51-68-67.

ЯККАСАРОЙ ФИЛИАЛИ



Бобур кўчаси, 85-уй. Тел.: 50-94-97.

ЮНУСОБОД ФИЛИАЛИ



Юнусобод мавзеси, 11-даҳа, 32-уй. Тел.: 125-06-76.

СОБИР-РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ



Калонов кўчаси, 54-уй. Тел.: 29-76-45.

## МИЛЛИЙ БАНК - СИЗНИНГ БАНКИНГИЗ!

---

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги «Тадбиркор – Таъминотчи» моддий таъминот ва бутлаш базаси вазирлик буйруғига асосан «Андуслубпахта» ИИЧТ Маркази тасарруфига ўтиши муносабати билан тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан сўнг бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 41-45-74.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Ориповга отаси **Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Жаҳон адабиёти» журнали таҳририяти жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, «Жаҳон адабиёти» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси Абдулла Ориповга падари бузруквори **ОРИФ отанинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиб, чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

«Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси лаборатория мудири Д. Ж. Ғуломовага рафиқаси муҳтарамаси **Махсума ИСМОИЛОВАнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия медицина институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси чет тиллар кафедраси мудири Л. Ю. Акромовага турмуш ўртоғи **Муҳаммаджон АКРОМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси М. Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва унинг оиласига падари бузруквори **ОРИФ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раҳбарияти Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси Х. Таганмуратовга онаси **БАЙРАМБЕКЕ аянинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик хабар узатувчиси Жўрахон Соатовага онаси **Турсуной ПЎЛАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

